



2015 у.р. "17" ноябрь

№ 353-К Самарқанд т-р Самарқанд

**Фуқаро Шукуров Хамзага маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 февралдаги 62-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 18 февралдаги 142-сонли хулосаси, "Қишлоққурилишлойиха" институтининг 2014 йил 28 ноябрдаги 11-14/567-сонли хулосаси ҳамда фуқаро Шукуров Хамзанинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 февралдаги 62-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. МЧ "Чордара-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 189а контуридан Фуқаро Шукуров Хамзага маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун жами 0,03 га (шундан: 0,03 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очилов)га топширилсин.

4. Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Х. Шукуровга топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров